O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMAN HOKIMINING
QARORI

708806 Zafarobod sh. Mustaqillik ko’chasi 1-uy. Tel (72)472-24-20 e-mail:zafarobod.t@exat.uz

2021 - yil 17 - dekabr 110-3-50-Q/21 Zafarobod tuman hokimligi

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги “Сувтаъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. “Жиззах Сув таъминоти” МЧЖ Зафаробод туман филиали томонидан аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларини тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Жиззах Сув таъминоти” МЧЖ Зафаробод туман филиали (Қ.Қулматов)га:

Ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

Оқова сув хизматидан фойдаланувчи истемолчиларга белгиланган тартибда шартнома асосида хизмат кўрсатиш;

Истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

3. Зафаробод туманида етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимлиги матбуот котиби (Н.Хайруллаев) ҳамда “Zafar yolidan” газетаси мухаррири (Н.Қудратова)га мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва “Zafar yolidan” газеталарида эълон қилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Эшпўлатов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Раджапов**

Зафаробод туман ҳокимининг
2021 йил 17 декабрдаги
110-3-50-Q/21-сон қарорига
1-илова

Зафаробод туманида 1 м^3 ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлар

ЖАДВАЛИ

Т/Р	Хизмат турлари	Истемол тури	Ўлчов бирлиги	Нархи (сўмда)
1.	Ичимлик суви	Аҳоли истемолчиларига	1 м^3	25000 (келишилган холатда)
		Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м^3	50000 (келишилган холатда)
2.	Оқова сув	Аҳоли истемолчиларига	1 м^3	1050
		Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м^3	1250